

Xabar

48
(1002)-son

2-dekabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Uz.HD — рақамли телевидениенинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги арафасида — 2011 йил 29 ноябр куни Ўзбекистонда МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб HD форматидаги ер усти узатиш Uz.HD телеканалли фойдаланишга топширилди.

Uz.HD (юқори сифатли телевидение)нинг ишга туширилиши Ўзбекистонда телевидениени ривожлантириш, хусусан, рақамли телевидениени жорий этишнинг янги босқичи бошланганидан далолатдир. High-Definition Television (HDTV) юксак аниқлик телевидениеси бўлиб, тасвирни юксак даражада тиниклаштирувчи, одагдаги телевидениенинг тасвир ҳажмини кенгайтирувчи, ранг ва товушни кодлаш бўйича энг янги рақамли технологиялардан фойдаланувчи юқори сифатли телестандартлар тўпламидир. Бундан ташқари, ушбу янги телевидениеда тасвир ва товушни узатиш учун маълумотлар оқимини сиқийшга асосланган тўлиқ рақамли технологиялар қўлланилади.

3-бет

Сўнги янгилик!

Британия Кутубхонаси 18-19 асрларда чоп этилган газеталарнинг рақамлаштирилган 4 миллионга саҳифасини интернетга жойлаштирди. Буюк Британия ва Ирландияда чоп этилган 200та атрофидаги газета рақамлаштирилди.

Рақамлаштирилган саҳифалардан қиролича Викториянинг никоҳ маросими, биринчи темир йўл ишга тушиши ва кўплаб оламшумул воқеалар ҳақидаги мақола ва хабарлар ўрин олган. Кутубхона раҳбари Эдвард Кингнинг айтишича, бу каби рақамли очиқ жамғарма дунёда ягона бўлиб, интернет фойдаланувчилари ва мутхассислар учун ажойиб хазина ҳисобланади.

Ушбу сонда:

Кун тартибида: қабул натижалари ва ўқув жараёнлари	2
Маърифат соати	5
Советы по созданию световой студии	6
Шимолликлар орзуси	11
Шинам уйлар шукухи	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

“Маърифат маркази” мажмуидаги Симпозиумлар саройида 26 ноябр куни “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 ноябр куни Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 ноябр куни Оқсаройда А.Бакулев номидagi юрак-қон томир жаррохлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожаррохлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маргарет Ченни I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Сирдарё вилояти ҳокимлиги раҳбариятининг ҳокимлик тизимида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Пойтахтимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу давра суҳбати Конституциямиз ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг юртимиздаги ижроси доирасида ота-оналарнинг бола ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш масаласига бағишланди.

Жанубий Кореяда нашр қилинадиган “Business Korea” иқтисодий журналининг навбатдаги сонида Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида қўлга киритган муваффақиятлар ҳамда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари мавзусига бағишланган мақола чоп этилди. Унда корейлик ва ўзбекистонлик таниқли сиёсий ҳамда бизнес доиралари вакилларининг фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

Кун тартибда: ҚАБУЛ НАТИЖАЛАРИ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Муҳитдинов бошқарди.

Ҳайъатда 2011-2012 ўқув йили қабул натижалари таҳлили ва ўқув жараёнини ташкиллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув ишлари бўйича проректори Х.Соатов ахборот берди. Ахборотчи 2011-2012 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида қабул жараёнини юқори савияда ва самарали ташкил этиш мақсадида қабул комиссиялари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилганлигини маълум қилди.

2011-2012 ўқув йили учун тасдиқланган қабул квотасига асосан Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларига қабул режаси учун 2275та ўрин ажратилган эди. Абитуриентлардан ТАТУ ва филиаллар бўйича жами 16758та аризалар тушган бўлиб, бу кўрсаткич 2010-2011 ўқув йилига нисбатан 1390та (9 фоизга) кўпайган.

2011-2012 ўқув йили қабул натижаларига кўра, университет бакалавриатурасига 1751та абитуриент, махсус сиртқиға 44та абитуриент қабул қилинди (451 — давлат гранти, 13445 — тўлов-контракт). Филиаллар бўйича 275та давлат гранти асосида, 786та тўлов-контракт асосида қабул қилинди.

Университетда 2011-2012 ўқув йилига тайёргарлик ишлари тизимли ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги 1533-қарори билан маъқулланган “Юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, давлат таълим стандартларини янада тако-

миллаштириш бўйича комплекс тадбирлар”нинг 1-банди ижроси юзасидан янгиланган Классификацияга мувофиқ университетдаги 13та таълим йўналиши ва 10та мутахассисликнинг тақомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда 1-босқич бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёни янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида ташкил этилган. Янги

Университетда 33та мультимедиа, 37та компютер синфлари, 59та маъруза ва амалий машғулот аудиториялари, 32та ўқув лабораториялар, филиаллар бўйича 13та мультимедиа ва 32та компютер синфлари, 106та маъруза ва амалий машғулот аудиториялари, 46та ўқув лабораториялар 2011-2012 ўқув йилига тайёрланди.

ДТСлар асосида 13та таълим йўналишлари учун 342та фандан ва 10та мутахассислик учун 112та фандан ўқув дастурлари кафедралар томонидан яратилди ва ҳар бир фан бўйича замонавий ўқув адабиётлар яратиш режаси ишлаб чиқилди.

Телевизион технологиялар соҳасида, жумладан, рақамли ва кенг форматли телевидениени ривожлантириш, бу соҳага компютер ва ахборот технологияларини

таълим қилиш ва сифатни оширишда етук ва малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида университетда 2011-2012 ўқув йилидан “Компютер графикаси ва дизайни” ва “Телерадиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари” кафедралари ҳамда факултетлар тузилмасини оптималлаштириш, замонавий телекоммуникация ҳамда мультимедиа тизимлари ва дастурлаш технологиялари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш, илмий салоҳиятли мутахассисларни мақсадли йўналтириш бўйича 2011-2012 ўқув йили иккинчи ярмидан “Алоқа линиялари” ва “Мультимедиа технологиялари” кафедралари ташкил этилди.

ТАТУ ва унинг филиаллари ўртасида масофавий таълимни амалга ошириш учун ўрнатилган Huawei компаниясининг видеотерминал жиҳозлари ва сервер маршрутизаторлари университет ҳамда унинг барча филиалларида кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда ҳафтада 8 соатдан ТАТУ малакали профессор-ўқитувчилари филиал талабаларига ахборот технологиялари ва дастурлаш тили бўйича машғулотлар олиб боришмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг лойиҳаси бўйича республикаимиздаги барча олий таълим муассасаларининг ягона ахборот тармоғини қуриш ишлари амалга оширилди. Бунга асосан республикаимиздаги барча олий таълим муассасалари ушбу яратилган тармоқ бўйича видеоконференцалоқа терминаллари ва охириги қурилмалар ёрдамида ўзаро боғланиш ва таълим сифатини ошириш йўлида турли ҳамкорлик шартларини олиб боришлари мумкин бўлади. Университет ва бешта ҳудудий филиалга ягона ахборот макони лойиҳаси бўйича охириги қурилмалар ўрнатилди.

Ҳайъатда кўрилган масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Билимлар синовдан ўтказилди

“Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиалида мазкур филиал ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича билимлари синовдан ўтказилди.

Компютер дастурига киритилган 300дан ортиқ саволларга берилган жавоблар домида раҳбарлар ва муҳандис-техник ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри расмийлаштириш, тиббий-қўриқ пайтида иш ҳақининг сақлаб қолиниши зарурлиги, об-ҳавонинг ноқулай шароитларида очик ҳавода ишлаш,

ходимлар ва ишчилар ҳаётига хавф соладиган вазиятлар вужудга келганида биринчи навбатда амалга ошириладиган ишлар, ишлаб чиқаришда жабрланиб, меҳнат қобилиятини йўқотган кишиларга тўланадиган нафақалар ва бошқа масалалар бўйича бериладиган жавобларда филиал ва телекоммуникациялар боғламалари ходимларининг билим даражаси, ҳаётини тажрибаси, қатор йиллар давомида ҳосил қилган кўникмалари аққол кўзга ташланди.

Комиссия аъзолари томонидан раҳбарлар ва муҳандис-техник ходимларнинг билим даражаси муносиб баҳолаб борилди ҳамда уларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмалари талаб даражасида эканлиги таъкилданди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Xabar”нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири

Uz.HD — рақамли телевидениенинг янги босқичи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Uz.HD ТЕЛЕКАНАЛИ

Шундай қилиб, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тақдим этаётган "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Тошкент", "Спорт" каналлари ёнига ўта сифатли тасвир ва овозни таъминловчи "Uz.HD" канали қўшилди. Мазкур телеканалнинг тақдими Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида бўлиб ўтди.

Тадбирга таклиф этилган оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассисларига Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари мамлакатимизда HD (High-Definition) форматидаги телевидениенинг жорий этилиши тўғрисида батафсил сўзлаб беришди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида рақамли ер усти телевидениесига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари Ф.Юнусов "Uz.HD" телеканали Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида жорий йил мустақиллик айёми арафасида ишга туширилган Медиамарказ имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилганини таъкидлаб ўтди. Унинг маълум қилишича, "Uz.HD" телеканали эфирини мазмунан бойитиш пост-продакшн таъминоти асосида, энг яхши мавзулардаги дастурлар туркуми, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ва бетакрор табияти, маданияти, тарихи, санъатнинг турли йўналишларига бағишланган бир марталик дастурлар, илмий-оммабоп, ҳужжатли филмлар, миллий телесериаллар, дра-



матик ва мусиқали саҳна асарларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Қолаверса, журналистларга маълум қилинишича, мазкур канал орқали хориж киноси ва мусиқа дурдоналари ҳам узатилади.

Канал кечаю кундуз (24 соат) ишлайди, ундаги дастурлар телетомошабинлар қизиқишлари (ёшга доир ва ижтимоий)дан келиб чиқиб шакллантирилади. Телеканал ҳозирча Тошкент шаҳрига тўлиқ, Тошкент вилоятига қисман узатилади. Истиқболда республикамиздаги барча ҳудудларга "Uz.HD"ни узатиш режалаштирилган.

Маълумки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхо-

налари Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениени изчил ва босқичма-босқич жорий этиш ишларини амалга оширмоқда. Бугунги кунда махсус телевизор ёки рақамли тюнер харид қилган пойтахт, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қиладиган кишилар юқори сифатли тасвирга эга 12та теледастурни (шулардан 7таси мамлакатимиз теледастурлари) томоша қилишлари мумкин. Умуман олганда, ҳозирга келиб, Ўзбекистон аҳолисининг 36,7 фоизи рақамли телевиденидан фойдаланиш имкониятига эга.

HDTV — НИМА ҶЗИ?

HDTV (High-Definition Television) — кинофилмлар ва теледастурлардан олинган таассуротни оширишга хизмат қилувчи аудио ва видео узатиш стандарти. Муваффақият калити: тасвирнинг юқори ўлчамлилиги ва товуш сифатини таъминлов-

чи олти каналли Dolby Digital 5.1 тизимидир.

HDTV стандарт телевиденидан тасвирнинг юқори ўлчами билан фарқланади: PAL тизими учун стандарт телевидение ўлчами 720x576 бўлса, HDTVда 1920x1080 (1080i)га тенг. Бу стандарт телевиденига қараганда тасвир 5 маротаба йириклигини ёки 5 маротаба тиниқлигини аниқлатади. Яна бир тафовутли жиҳати, HDTVда экран томонлари — 16:9, стандарт телевиденида — 4:3.

"HD READY" ВА "FULL HD"

Юқори сифатли телевидение шиванавдалари телевизор харид қилиш чоғида бу ёрликларни учратишлари табиий. "HD Ready" ёрлиги 1280x720 нуқтали ўлчамдан кам бўлмаган телевизорларга, "Full HD" ёрлиги эса йирик ўлчамли 1920x1080 пикселли телевизорларга ўрнатилди. Сотувда аксарият ҳолларда HD READY 720p ва HD FULL 1080i ёрлиқи телевизорларни кўриш мумкин.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

HDTV формати АҚШ ва Японияда кенг оммалашган. Шунингдек, Европада ҳам бир нечта HDTV форматидаги каналлар мавжуд. Leichtman Research Group компанияси тадқиқот ўтказишича, АҚШдаги онлаларнинг 34 фоизи HDTV фойдаланувчилари ҳисобланади.

Япониянинг NHK (Nippon Hoso Kyokai) корпорацияси Super Hi-Vision деб номланган янги тизимни ишлаб чиқди — у келгусида HDTV ўрнини эгаллаши кутуляпти. Super Hi-Vision технологияси видеони 7680x4320 пиксел ўлчамда ёзиш ва намойиш этиш имконияти демакдир. Бу битта Super Hi-Vision экранига 16та HDTV тасвир сифатини билдиради.

Собир АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Қонунлар тарғиботида веб-сайтларнинг аҳамияти

PARLAMENT HAYOTI

Жорий йилнинг 29 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Парламент фаолияти ва қабул қилинаётган қонунларни тарғиб қилишда веб-сайтларнинг ўрни ва аҳамияти" мавзусида Парламент журналистлар клубининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбари Улугбек Муҳаммадиев Парламент журналистлар клуби аъзолари билан бўладиган бау кабул учрашувлар ўзaro фикр алмашиш даврасига айланганини, бу ҳамкорлик ҳар икки томон фаолиятида яхши натижалар бераётгани, Қонунчилик палатаси фаолиятини кенг ёритишда ОАВ ходимларининг ёрдами катта бўлаётгани, умуман олганда, юртимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг оммага тез ва холис етказишда интернет ҳамда веб-сайтлар имкониятидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти хусусида гапирди.

Айтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси www.parliament.gov.uz расмий веб-сайти ўтган давр

мобайнида фойдаланувчилар сони ва хизмат кўрсатиш салоҳияти жиҳатидан кўпгина ижобий натижаларга эришти. Шу йилнинг сентябр ойидан бошлаб эса сайтнинг янгиланган талқини омма эътиборига тақдим этилди. Йиғилишда иштирокчиларга мазкур янги талқин видеопроектор орқали ҳавола қилинди. Таъкидланганидек, янги талқинда фойдаланувчилар учун янада қулайлик яратиш ва уларни кўпроқ маълумотлар билан таъминлаш мақсадида сезиларли ўзгаришлар, янгилıklar қўл урилган. Хусусан, Қонунчилик палатаси таркибий қисмига кирувчи депутатлар махсус саҳифасининг янги кўринишида ташкил этилиши, нафақат улар ҳақида маълумотлар, балки он-лайн тарзда мулоқот қилиш, турли мурожаатлар билан саволлар йўллаш имконияти яратилди. Ҳар бир қўмита ва фракциялар таркиби эса ўтказилган тадбирлар, ҳисобот хабарлари, келгуси режалар ва фотосуратлар жамланмаси билан бойитилди. Шунингдек, янги интерактив хизмат, журналистлар

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг www.parliament.gov.uz расмий веб-сайти 2010 йилда Интернет-фестивал совридориди бўлди.

учун бўлим, ижтимоий сайтлар каби рунклар ташкил этилиши ҳам сайт имкониятини янада оширган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларнинг тўлиқ жамланмаси махсус саҳифада жойлаштирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати бош мутахассиси Зафар Раҳимовнинг "Парламент веб-сайти: имкониятлар ва истиқболлар" мавзусидаги маърузасида парламент сайти фаолияти таҳлил қилинди. Таъкидланганича, сайтнинг 2010 йилга нисбатан фаолият кўлами 49 фоизга ошган, ташриф буюрувчилар сони эса икки бараварга кўпайган. Кундалик маълумотларга кўра, сайтга ҳар куни ўртача 300 нафарга яқин фойдаланувчи ташриф буюради. Уларнинг аксариятини нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлар, хусусан, МДХ, Европа ва АҚШ фуқаролари ташкил этади. Бу, албатта, парламент сайтининг қонунчилик соҳасида эришяётган ютуқлари ва тарғибот-ташвиқот ишлари кўламининг кенгаётганидан далолат беради.

Йиғилганлар "Uzinfocent" маркази бош мутахассиси, www.gov.uz гуруҳи раҳбари Олим Умаровнинг маърузаси орқали юртимиздаги вазирлик ва идоралар матбуот хизмати веб-сайтларининг бугунги ҳолати, улар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этиш ва ривожлантириш муаммолари ҳамда уларни баргараф этиш йўллари билан танишди.

Усмонжон ЙУЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

**Xalqaro
hayot****МУСТАҚИЛЛИК ТОМОН
ЯНА БИР ҚАДАМ**

Исландия Фаластин давлат мустақиллигини 1967 йилги чегаралар бўйича тан олди. Парламентда бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида 62 депутатдан 38 нафари бунга розилик билдирган. Шу тарзда бугунги кунда Фаластин мустақиллигини БМТга аъзо давлатларнинг учдан икки қисмидан ортиги — 131 мамлакат тан олди.

Исландия ҳукумати фаластинлик ва исроилликларни мураккаб вазиятдан тинч йўл билан чиқишга чақирди.

Мухторият раҳбарияти учун Исландия парламентининг ушбу қарори яна бир сиёсий ғалаба бўлди. Жорий йилнинг октябр ойи сўнгига Фаластин ЮНЕСКОга қабул қилинган. Шундан сўнг АҚШ, Канада ва Исроил ушбу халқаро ташкилотни молиялаштиришни тўхтатишган.

ВЕНА ЭНГ ЗҲҲР ШАҲАР

Мерсег компанияси яшаш учун энг қулай шаҳарлар рўйхатини тузиб чиқди.

Умр кечириш стандартлари даражаси бўйича энг яхши шаҳар деб топилган Австрия пойтахти Вена ушбу рўйхатда биринчи ўринни банд этди. Иккинчи ўринни Швейцариянинг Цюрих шаҳри, учинчи ўринни эса Янги Зеландиянинг Окленд шаҳри эгаллади. Бағдод ҳаёт учун дунёдаги энг ёмон шаҳар сифатида рўйхатнинг 221-поғонасидан жой олди.

Шаҳарлар инфратузилмаларининг, ижтимоий ва тиббий муассасаларининг ривожланганлиги, шунингдек, уларда яхши ҳақ тўланадиган иш топиш имконияти нуқтаи назардан баҳоланди.

**НАРКОСАВДОГАР
ҚҲЛГА ТУШДИ**

Колумбия ҳукумати Венесуэлада қидирувдаги ашаддий наркосавдогар Миксимлиано Бонилли Орозконинг қўлга олинганини маълум қилди. АҚШ ҳукумати бу жиноятчининг қўлга олишга кўмаклашадиган маълумот учун 5 миллион доллар мукофот берилиши ҳақида эълон қилган.

Колумбия ва Венесуэла ҳукумати ҳамкорлигидаги амалиёт чоғида қўлга тушган Бонилла АҚШ ҳудуди орқали Марказий Америка ва Мексикага бир неча тонна кокаин ташиб ўтишда айбланмоқда. У Мексиканинг "Цетас" наркотик ташувчилари билан ҳамкорлик қилиши маълум эди.

**САЙЁРАМИЗНИ
АСРАШ ҲЗ ҚҲЛИМИЗДА**

Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида иқлим ўзгариши бўйича БМТ анжумани иш бошлади.

Euronews хабар беришича, анжуманда 194 мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. Иштирокчилар асосий масала — атмосферага буг газ чиқаришни камайтиришни ўз ичига олган Киото протоколини ҳал этишни кўриб чиқдилар. Протокол бўйича мажбурият муддати жорий йил якунида ўз ниҳоясига етди.

Шунингдек, Яшиллар ҳаракати фаоллари ҳам сўбатчиларга босим ўтказиш мақсадида анжуманга ташриф буюришган.

Қатор давлатлар вакиллари АҚШ ва Хитойдек улкан ишлаб чиқарувчилар янги келишувни имзоламаган экан, улар ҳам ҳали бунга тайёр эмасликларини маълум қилдилар. БМТда эълон қилинган сўнги маълумотга кўра, атмосферадаги буг газ миқдори рекорд даражага етган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Давлат божхона қўмитаси ташаббуси билан Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда Тошкент минтақасида фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун Олий ҳарбий божхона институтида "Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни халқаро бозорга чиқиши учун ҳуқуқий шарт-шароитларни янада яхшилаш йўналишида давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилатган ишлар ҳамда келгусидаги вазибалар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ОХБИ тингловчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

**Тадбиркор манфаатининг
мустаҳкам асоси**

Тадбир давомида йиғилганларга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури"да белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборотлар берилди. Таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омили эканлиги амалиётда ўз исботини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бандлик масаласини ҳал этиш, ички бозорнинг мўл-қўллигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдаги имкониятларини инобатга олиб, тадбиркорлик соҳаси ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Натижанда, тадбиркорлик субъектларининг сони, банд бўлган ходимлар салмоғи, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi ҳиссаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4354-фармони бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу фармон билан тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принциpigа амал қилиниши аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур фармон билан ҳўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан ҳисобланади. Президентимиз томонидан жорий йил 25 августда қабул қилинган 1604-қарор бу борадаги муҳим ҳуж-

жатлардан биридир. Мазкур қарор билан 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб Ҳукумат қарорлари асосида белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат берувчи хусусиятга эга бўлган 50та ҳужжатнинг амал қилиши бекор қилинди.

Жаҳон иқтисодиёти ўзининг янги ривожланиш босқичида моливий-иқтисодий инқирозни бошдан кечириётган бир даврда, ички бозорда мавжуд талабларни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят муҳим аҳамиятга эга. Бу вазибани бажаришда Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янадан чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1590-қарори асосида Маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилган корхоналар четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларини тўлаш бўйича 2014 йилнинг 1 январга қадар имтиёзлар берилган. 2011 йилнинг ўтган даврида ушбу дастур доирасида товарлар импортида божхона тўловларидан 133,5 млрд. сўм имтиёз берилган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилнинг 9 ойидаги кўрсаткичга нисбатан 3,2 фоизга кўпайган.

Тадбир иштирокчилари жорий йилда тадбиркорлар манфаатлари йўлида қабул қилинган бир қатор қарор, фармон ва бошқа ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларга оид қизиқтирган саволлар юзасидан атофлича жавоблар олишди.

*Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори*

Соғлом оила — соғлом зурриёт

Барча соҳаларда бўлган каби мамлакатимиз Қуролли Кучларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилди. Халқаро андозаларга мос олий ҳарбий таълим масканлари, сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди.

Булар эса миллий армия-таъминлаш масаласи юксак савияда ҳал этилишига замин яратди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ҳамда тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида Навоий шаҳридаги 34051-ҳарбий қисмда 522-523-сафарбарлик қақирув резерв батальони, 7532 ва 51281-53801-ҳарбий қисмлар аскарлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳарбий прокуратураси, ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, мудофая ишлари бошқармаси қақирувчи-

ларни ҳарбий хизматга тайёрлов бўлими, фавқулодда вазиятлар тиббий биологик муҳофаза бўлими, вилоят репродуктив саломатлик маркази, Навоий шаҳар ФХДБ бўлими, А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази мутахассис ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Семинар вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Р.Нарзиева олиб борди. Вилоят репродуктив саломатлик маркази раҳбари М.Нажимов "Соғлом оила — соғлом зурриёт", Навоий вилоят ҳарбий прокуратурининг ёрдამчиси П.Қурбониев "Оила — ҳуқуқий тарбия

ўчоғи", ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимидаги бошлиғи Ж.Мирзаев "Оила ва бола ҳуқуқлари масаласи" Навоий шаҳар ФХДБ бўлими бошлиғи М.Қўлдошева "Соғлом оила барқарор ва салоҳиятли жамият негизи", вилоят АКМ директори ўринбосари Ш.Бақоева "Китоб — бизнинг дўстимиз" мавзуларида маърузалар қилишди.

Тадбир якунида вилоят репродуктив саломатлик маркази томонидан "Китоб — бизнинг дўстимиз" мавзусида янги адабиётлар шарҳи, "Аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш", "Соғлом турмуш тарзи" мавзуларида китобхона эсдаликлар 34051-ҳарбий қисм кутубхонасига топширилди.

*М.ҒОҒУРОВА,
А.Қодирий номидаги
АКМ бўлими мудири*

“O`ZIMPEKSALOQA” MЧЖ ЖАМОАСИ

Республикамиз
аҳолисини ҳамда алоқа
соҳасининг барча
ходимларини
**БОШ ҚОНУНИМИЗ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ
19 ЙИЛЛИГИ билан
табриклайди.**



**Фидойи элдошларимиз
хонадонига тинчлик-омонлик,
файзу барака тилаймиз!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Ватандошларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг 19 йиллиги билан
қизгин кутлайди.**



**Истиқлол куёши бошимиз, узра
мангу нур сочаверсин!**

**Давлат фуқароларнинг Конституция ва
қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва
эркинликларини таъминлайди.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, X боб, 43-модда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига катта эътибор берилиб, у ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилган. Хусусан, Бош қонуни-мизнинг X боби айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланади. Мазкур бобнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” дейилган.

Истиқлол йилларида юртдошларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш йўлида турли тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айниқса, ўқув юртли, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалларда ҳуқуқий саводхонликни оширишга йўналтирилган анжуман, йиғилишлар ўтказилиши ҳар томонлама фойдали бўлаётир. Мактаб ва ўрта махсус ўқув юртли ўқувчилари ўртасида бу борада кўрик-танловлар ўтказилиши анъанавий тусга кирди. Ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг инсон

ҳуқуқлари бўйича оммавий ахборот воситалари ва радио, телевиденида чиқишлари катта аҳамият касб этмоқда. Табиийки, булар фуқароларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан саводхонлигини оширишга хизмат қилапти.

Кейинги пайтда турли вазирилик, давлат идоралари, қўмита ва ташкилотларида “Ишонч телефони” хизмати йўлга қўйилди. Бу ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. “Ишонч телефони” орқали қилинаётган фуқаролар мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, муаммоли масалалар ижобий ечимини топмоқда.

Конституцияда, шунингдек, вояга етмаганлар, меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олинганлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилганлигининг далолатидир.

**Сўлмас ГАФАРОВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза
тумани 1-давлат нотариал
идораси нотариуси**

Бахтимиз пойдевори

Дарҳақиқат, бундан 19 йил илгари қабул қилинган Конституциямиз — Бош қомусимиз, ҳуқуқ ва бурчларимиз ёрқин акс эттирилган бахтимиз пойдевори-дир. Шунинг учун ҳам ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кун олдилан корхона ва ташкилотларда шу кутлуғ санага бағишланган тадбирлар юқори кўтарилиш билан ўтказилади, қомусимиз ҳақида атрофлича сўз юритилади.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган тадбирда ҳам шундай бўлди. Компания бош директори ўринбосари Шавкат Абдукаримов Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топган моддалар, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапирди. Иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди.

Тадбирдан сўнг “На досуге” газетаси бош муҳаррири Владимир Ким газета ҳақида маълумот бериш билан бирга, йиғилиш иштирокчилари — “Матбуот” дўкони сотувчиларига байрам муносабати билан совғалар топширди.

Ўз мухбиримиз

Маърифат соати

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали мажлислар залида ўтказилган навбатдаги “Маърифат соати” Конституцияга бағишланди.

Филиал бўлим бошлиқлари, масъул ходимлари, туман, шаҳар почта алоқаси тармоғи раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбирда Конституциямизнинг мазмун-моҳияти яна бир карра тушунтирилиб, унга мувофиқ республикада демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши эътироф этилди.

Мазкур тадбирнинг мақсади ҳақида филиал ҳуқуқшуноси Шаҳрибону

Кенжаева фикр юритар экан, жумладан, шундай деди:

— Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган қисқа йиғирма йиллик даврида жамият ҳаётининг уйғун ривожини таъминлаш ва ижтимоий муносабатлар мувозанатига эришиш, асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар, тадбирлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, маънавий дунёқарашда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўтган йиллар “Ўзбекистон почта-

си” ОАЖ тизимида ҳам улкан ўзгаришлар ва ривожланишлар, ютуқлар ва тарққиёт сари юксак одимлаш йиллари бўлди. Истиқлол берган имкониятлардан филиалимиз жамоаси ҳам фойдаланиб, аҳолига сифатли ва замонавий почта хизмати кўрсатиш борасида ўзига хос илғор тажриба тўплаганлиги билан фахрлансак арзийди.

Ҳақиқатан ҳам, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар самаридида ислохотлар самарасини кўриш мумкин.

Маруза ҲОСИЛОВА

Советы по созданию световой студии

Ниже приведен, в соответствующей последовательности, ряд решений и действий, которые нужно принять и предпринять для создания реальной световой студии. Задача этого раздела — помочь пользователю, не являющемуся профессионалом в области освещения, понять основы постановки света, спланировать элементарную студию (1-3 неподвижных объекта, 1-2 камеры с фиксированным положением, источники света в одном полупространстве относительно снимаемой сцены) или правильно поставить задачу перед профессионалом, если вам потребуется более сложное решение.

Определение типа передач

Принять решение, какие передачи будут сниматься в студии: например, новости, метеопрогнозы, круглые столы, ток-шоу, и т.д.

Определение световой концепции

Продумать, какое настроение должна создавать передача и как освещение должно помочь в достижении требуемого эффекта: например, ярко освещенная площадка в центре студии, где происходит действие, с затененной периферией и слегка подсвеченными предметами на заднем фоне, отбрасывающим тени (работа без хромакея) создаст чрезвычайно драматичную атмосферу.

Определение технических параметров работы

Обдумать условия работы в студии, влияющие на постановку освещения:

- сколько камер будет работать, сколько человек будет участвовать в передаче, будут ли камеры и объекты съемки двигаться, как будет выполняться уход на рекламу, какие будут сниматься планы, будет ли в студии операторский кран и т.д.

Определение физических параметров студии

Провести замеры параметров, согласовать смежные вопросы с другими техническими службами телекомпаниями: общая площадь, предполагаемая освещаемая площадь, наличие

окон, цвет и текстура стен, необходимость использования хромакея, параметры электросети в студии, параметры системы вентиляции и кондиционирования в студии, местоположение объектов съемки и камерных головок, необходимость использования операторского крана, предполагаемые маршруты перемещения объектов съемки и камерных головок и т.д.

Определение технических требований к освещению

Исходя из информации пп. 1-4 определить параметры будущей световой студии:

а. Искомый уровень освещения рабочей зоны, фона, объектов съемки.

Зависит от параметров камеры, использования экстендера, оптических насадок и фильтров, рабочего диапазона диафрагменных чисел (для работы с глубиной резкости).

б. Рабочая цветовая температура 3200К или 5400К. Оба варианта возможны, хотя в студиях чаще применяется 3200К. Зависит от выбора световой концепции (требуемого строения). При определении цветовой температуры следует принять во внимание: наличие окон в студии, наличие в студии ранее приобретенных светильников и их цветовую температуру, наличие оптических фильтров для работы с той или иной цветовой температурой.

с. Возможность управления яркостью

Фиксированная яркость (включено/выключено), аналоговое управление 0...+10В, цифровое управление DMX512. В первую очередь нужно определить, будет управление яркостью или нет. Плюсом управляемой системы является значительное облегчение настройки и перенастройки системы освещения под разные сцены. Минусом является более высокая цена. Цифровой протокол управления, по сравнению с аналоговым, дает возможность значительно уменьшить количество сигнальных проводов, но имеет еще более высокую стоимость. Применение цифрового стандарта DMX512 имеет смысл при строительстве студии с большим количеством светильников (или когда планируется увеличение их количества в будущем).

д. Рабочая высота. Способ установки или подвеса светильников

Рабочая высота зависит от высоты потолка, от того, какая задача стоит перед каждым конкретным светильником и от того, какой вариант установки используется.

Существует два основных варианта — установка на штативы и подвес. Установка на штативы используется на выезд, либо в студии, если в ней по каким-либо причинам нет возможности организовать систему

подвеса. Штативы подбираются исходя из веса светильников и требуемой высоты их расположения.

Вариант подвеса для студии является, безусловно, более удобным.

Для создания системы подвеса используются два типа устройств: световая арматура (рельсы, балки, а также элементы их крепления к потолку, стенам и друг к другу, такие, как кронштейны, зажимы, каретки и т.д.) и собственно устройства подвеса (пантографы, телескопические подвесы, струбины и т.д.).

Системы подвеса: пантографы, телескопические подвесы и каретки, могут иметь опцию управления (механическую при помощи шеста или электрическую при помощи специального пульта).

е. Верхнее ограничение по суммарной потребляемой мощности светильников

Устанавливается исходя из возможностей студийной электросети. Здесь надо иметь в виду, что в студии есть не только световое, но и другое оборудование, также участвующее в съемке. Рекомендуется выделять отдельный контур питания для светового оборудования.

ф. Верхнее ограничение по суммарной выделяемой тепловой энергии светильников

Рекомендуется обратиться к специалистам по системам кондиционирования за детальной информацией о тепловом режиме в студии и о стоимости дополнительных систем охлаждения.

(Продолжение следует)

Ботир НИЯЗОВ,
заведующий кафедрой
"Студии и оборудования,
телевидения и радиовещания"
ТУИТ

КОРОТКО...

○ Samsung одержал победу над Apple в Австралии: суд разрешил пролажи Galaxy Tab 10.1.

Запрет был введен в октябре по иску Apple, которая считает, что Samsung использовал в Galaxy Tab технологии, которые уже были запатентованы разработчиком iPad. Готовится и новый поворот в "битве титанов": Samsung и другие конкуренты Apple, по слухам, к Рождеству собираются снизить цены на свои планшеты на 30-80%.

○ Вице-президент тайваньской компании Асег Скотт Лин объявил, что не собирается, в отличие от южнокорейской Samsung, прекращать выпуск нетбуков.

Асег является крупнейшим мировым продавцом нетбуков: в третьем квартале реализовано 1,7 млн. изделий, или 22% рынка. Для сравнения: ASUSTeK поставила 1,2 млн. нетбуков, или 16%, на долю Samsung выпало 840 тыс. единиц, или 10%, — эти две компании всю занимают планшетами.

○ Шведская компания испытывает прототип компьютера, управляемого взглядом.

В игровом автомате, который, по сути, является испытательным стендом для новой технологии, установлена игра EyeAsteroids, ремейк классической аркады Asteroids. Tobii Technology обещает выпустить ограниченную серию из 50 игровых автоматов по 15 тыс. долларов каждый. Год назад шведы показали созданный совместно с Lenovo ноутбук, в котором детектор

движения зрачков используется вместо мыши, тачпада и трекбола.

○ Facebook опередил LiveJournal по числу пользователей в России. Растущая популярность Twitter и Facebook, переманивших значительную часть пользователей, в последние месяцы стала реальной проблемой для самого популярного в Рунете блогсервиса. Эксперты отмечают, что аудитория ЖЖ не менялась уже год, в то время как доля крупнейшей соцсети мира в России выросла на 2,5% с начала 2011 года.

○ Очередь за новым BlackBerry на несколько часов парализовала движение в столице Индонезии.

Жители Джакарты позарившиеся на 50%-ную скидку, всю ночь провели в очереди у торгового центра. Однако воспользоваться предложением могла первая тысяча покупателей. Опасаясь беспорядков, поблизи дежурили сотни полицейских, но это не сильно помогло.

○ Антивирусная компания "Лаборатория Касперского" объявила об открытии на своем информационном портале securelist.com специального раздела, в режиме реального времени демонстрирующего актуальные сведения об IP-узлах в различных регионах мира.

Для сбора статистических данных используется распределенная "облачная" система мониторинга и быстрого реагирования на компьютерные угрозы Kaspersky Security Network (KSN), объединяющая пользователей программных продуктов "Лаборатории Касперского" по всему миру.

○ Смартфоны Panasonic снова будут продаваться за пределами Японии. Мобильные устройства японского гиганта покинули мировой рынок в 2005 году. Одной из первых моделей, выбранных для возвращения на него, станет Lumix P-02D — водостойкий смартфон под управлением Android, оборудованный 13,2 Мп камерой. В дальнейшем нельзя исключать и появления за пределами Страны Восходящего Солнца Android-планшетов от Panasonic.

○ Google ужесточает антипиратскую цензуру: в "черный список" по-тихому добавили названия всех основных торрент-трекеров и файлообменников.

Пострадала не только знаменитая "бухта пиратов" The Pirate Bay, но и вполне легальные компании вроде BitTorrent Inc, 4Shared и RapidShare. В этом году Google, не желая сосориться с правообладателями, начал активно фильтровать запросы, связанные с пиратским контентом, постепенно убирая его из подсказок, которые всплывают при вводе слова, и из моментального поиска.

○ Спрос на 3D-телевизоры почти не растет — склады затоварены уже полтора года. По мнению аналитиков американской компании NPD DisplaySearch, одной из главных причин, тормозящих спрос, является нехватка трехмерного контента и оригинальных онлайн-сервисов. Купив дорогой 3D-телевизор и столь же дорогие очки, потребители быстро обнаруживают, что по нему так же нечего смотреть, как и по обычному.

Хабар +tv

ЎЗБЕКИСТОН

ДУШАНБА — 5 ДЕКАБР

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7:00 "Иқлим".
7:05 "Олам ва одам" дастури: "Об-ҳаво бўёқчилари".
7:20 "Кўнги қўшиқ истайди".
7:25 "Сўнгги қиролчи". Т/с.
8:00 Таълимнома.
8:45 - 9:35 "Миланнинг" дастури.
9:35 Кўрсатувлар сўрашлари. М/с.
9:55 ТелеTeатр: "Алманлар уйлари-миш". 1-қисм.
10:30 "Ватан манзиллари".
10:45 "Саломатлик сирлари".
11:00 "Азборот".
11:15 "Саодий изқувар". Т/с.
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12:50 "Кўнги қўшиқ истайди".
12:55 "Иқлим".
13:00 "Ватанпарвар".
13:00 Теле савёрош.
13:40 "Фитил ва унинг дустлари". М/с.
14:00 "Азборот".
14:20 Миллий сериал: "Бахт қадри".
15:30 "Иқлим".
15:35 Жаҳон мусикаси хазинасидан: Ж. Верди. "Отелло". 1-қисм.
16:40 "Ўзбекистон табиати".
17:00 "Азборот".
17:15 "Сўнгги қиролчи". Т/с.
17:50 "Иқлим".
18:00 "Кўнги қўшиқ истайди".
Телеар савёрош.
18:05 "Эртанлар - ахшиликка етказар".
18:25 "Иқлим".
18:35 "Корчиқ".
18:45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
19:25 ТВ - шойфокор".
19:25 20:00, 20:35 Эълонлар.
19:30 "Азборот" /рус/.
30:10 "Оттин мерос".
21:20 "Хат қўшиш". Т/с.
21:30 "Азборот".
21:45 "Истиқлол солномаси".
21:55 "Ҳаёқид сабони". Т/с.
22:40 "Иқлим".
22:45 "Саодий изқувар". Т/с.
23:30 "Олам ва одам" дастури: "Об-ҳаво бўёқчилари".
23:55 "Ўнун".
23:55 "Ўнун".
23:55 Кўрсатувлар дастури.
00:00 "Корчиқ".
00:20 Теле Teатр: "Алманлар уйлари-миш". 1-қисм.
00:55 "Кўнги қўшиқ истайди".
1:00 "Азборот" /рус/.
1:35 2:35 "Миланнинг" дастури.
2:35 "Иқлим".
2:40 "Ватан манзиллари".
2:55 "Оттин мерос".
3:40 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4:00 "Азборот".
4:40 Миллий сериал: "Умр манзаралари".
5:15 "Саломатлик сирлари".
5:30 "Ўзбекистон табиати".
5:50 5:55 "Ўнун".

17:00 "Қалбим сениқилар, жоним". Б/ф. 1-қисм.
18:30 "Давр мавзуси".
18:50 "UzEX".
19:30 "Келин". Т/с.
20:20 "Ёшлиқ навоилари".
20:40 "Кўзгунчоқ".
21:10 "Қирол ва қанзак". Т/с.
22:00 "Давр".
22:30 "Доктор Қўнинг". Т/с.
23:20 "Қамолот-нифо".
23:40 "Ёшлиқ навоилари".
00:00 "Ватан меҳри".
00:10 "Морена Клар". Т/с.
00:10 "Муъжизавий дунё".
2:00 "Давр".
2:30 "Нисон психологисин".
3:00 "Клоппапу".
3:30 "Шарҳ гаҳари".
4:10 "Жаҳон мусикаси".
5:10 Миллий сериал: "Меҳмонқонлар даъватлари".
5:50-6:00 "Истиқлол солномаси".

ЎЗБЕКИСТОН

6:00 Кўрсатувлар тартиби.
6:05 "Полиция аўдион".
6:20 "Афшис".
6:30 Миллий сериал: "Умр сўқмақлариди". 28-қисм.
7:00 "Мулоқоза ушун мавзу".
7:30 "Салом, Тошкент".
8:30 Тошкент тароналари.
